

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» акциядорлари диққатига!!!
Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш тўғрисида

АТ «Алоқабанк» Кенгаши акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини 2017 йил 24 май куни, соат 8:00 да, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уйда жойлашган АТ «Алоқабанк» биносининг мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. АТ «Алоқабанк» акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. АТ «Алоқабанк»нинг 2016 йил иш фаолияти якунлари бўйича банк Кенгаши ҳисоботини тасдиқлаш.
3. АТ «Алоқабанк»нинг 2016 йил иш фаолияти якунлари ҳамда 2017 йилдаги устувор вазифалари тўғрисидаги банк Бошқаруви раиси ҳисоботини тасдиқлаш.
4. АТ «Алоқабанк»нинг 2016 йил иш фаолияти якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
5. АТ «Алоқабанк»нинг 2016 йил иш фаолияти якуни бўйича аудиторлик ҳисоботи.
6. АТ «Алоқабанк»нинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
7. АТ «Алоқабанк»нинг 2016 йил иш фаолияти якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш.
8. АТ «Алоқабанк»нинг 2016 йил иш фаолияти якуни бўйича Банк Кенгаши аъзоларини мукофотлаш ва улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш тўғрисида.
9. АТ «Алоқабанк»нинг 2017 йил иш фаолияти якуни юзасидан аудиторлик текшируви ўтказиш, аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.
10. АТ «Алоқабанк»нинг тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
11. АТ «Алоқабанк» Кенгаши аъзоларини сайлаш.
12. АТ «Алоқабанк» Бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш тўғрисида.
13. АТ «Алоқабанк»нинг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
14. АТ «Алоқабанк» акцияларини сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида.
15. Банкка аффилланган шахс «Ўзбектелеком» АК билан тузиладиган битимларни маъқуллаш тўғрисида.
16. Банкка аффилланган шахс «Nano Lizing» МЧЖ билан тузиладиган битимларни маъқуллаш тўғрисида.
17. «Ўзбектелеком» АКга кредит маблағларни ажратиш тўғрисида.

АТ «Алоқабанк» Кенгашининг 2017 йил 13 майдаги йиғилиши қарорига асосан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2017 йил 18 май куни ҳолатига ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун акциядорлар рўйхати 2017 йил 13 май куни ҳолатига тузилади.

Банк акциядорларини ва мажлис қатнашчиларини рўйхатга олиш 2017 йил 24 май куни соат 7:00 дан 7:50 гача давом этади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда уларнинг вакилларидан ўрнатилган тартибда тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши маълумотлари билан Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уйда жойлашган АТ «Алоқабанк»да танишишингиз мумкин. Банкнинг электрон почта манзили: info@alocabank.uz.

Маълумот учун телефонлар: 232-83-67, 233-47-29.